

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
25 июнь
ШАНБА
№ 51 (12895)

www.th.uz

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида тузилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган.

ШХТ Хартиясида аъзо

давлатлар мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ва chegaralar дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ва фикрларни иноватга олиш, ички ишларига аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига амал қилиши қайд этилган.

Ўтган 15 йилда ташкилотнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди, котибияти ва таркибий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. ШХТ нуфузли давлатлараро ташкилот сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосчиларидан бири, улкан иқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга давлат сифатида унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз ШХТга савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, ғийёванд моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда муҳим восита сифатида қарайди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи мартаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз ШХТга 2003-2004 ҳамда 2009-2010 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистоннинг ташкилотга биринчи раислиги ҳам ШХТ фаолиятини янги мазмун билан боғийган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият

юртувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ихроия қўмитаси очилган. Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви йўлга қўйилган. Бу ишлар ШХТнинг асосий мақсадларидан бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

2004 йилдаги саммитда ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланган. Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғлистонга ШХТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўша йилги саммитга Афғонистон раҳбари илк бор меҳмон сифатида таклиф қилинган. Кейинчалик Афғонистон ШХТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШХТ фаолиятини янги босқичга кўтарди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларида асос бўлиб келмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡



Фахр

ДЎСТЛИКНИНГ КУЧИ ТОҒНИ ТАЛҚОН ҚИЛАДИ

«Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўли бунинг яққол тасдиғидир

Шу йил 22 июнь кунли пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўли тизимида ҳаракатланган «Ўзбекистон» йўловчи поезднинг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус туғмани босди. Шу кунли мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи минглаб, миллионлаб ва тандошларимиз телеэкран орқали ушбу тарихий манзарани кузатар экан, бахтиёрлик шукҳи ила бир-бирини табриқлади, кўзларда ювончу ифтихор ёғдулари қорлади. Улғу ишлар, бунёдкорлик саодатининг ана шундай ажиб ҳикмати бор – у халқнинг гурурини юксалтиради, кайфиятини

кўтаради, яна янги марраларга сафарбар қилади.

Орзулар рўёби

Халқимиз бу кунли кутди. Орзиқиб, ҳаяжон-у ҳайратга чўмиб кутди. Ниҳоят, парку булутларга ёндош чўққилар оша гулдураб «Ўзбекистон» овози тарала бошлади. Азим тоғлар бағридан таралган бу овоз шу тобда сиз-у бизнинг, бутун юртдошларимиз юрак гурурига ҳамоҳанг эди...

– Шу тарихий дамларга гувоҳ бўлганимдан гурурланаман. Энди бу ҳақда болажонларга, яқинларимга, авлодларга умрбод гапириб, мактабни юраман. «Ўзэкспомарказ» билан Қамчиқ туннели ўртасида тўғридан-тўғри видеолоқа ўрнатилганда, давлатимиз раҳбари ва хитойлик олий мартабали меҳмоннинг сўзларини эшитиб, қанчалар беқиёс мардлик ва шижоатга гувоҳ бўлганимизни

теран ҳис қилдим, – дейди ХДП Наманган вилояти кенгаши раиси Дилором Абдурахимов. – Эндиликда қадим-қадимдан қандаданди, қавму қариндошлик ришталари билан чамбарчас боғланган Тошкент вилояти билан водий ахли ўртасидаги жигаргўшалик алоқалари яна бир қарра юксалади.

2013 йил, 26

апрель, Андижон

Мазкур санада давлатимиз раҳбари Андижонда бўлиб, вилоят фаоллари билан учрашган эди. Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳтарам Президентимиз водий ахли учун долзарб бўлиб турган икки масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Булар – қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегаватт

бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ва «Ангрен – Поп» йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўлнинг қурилиши ҳақидаги қувончли хабарлар эди...

«Бугунги кунда Фарғона водийсида 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. «Олтин водий» деб ном олган бу минтақада Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Таъкидлаш кераки, айнан шу лойиҳанинг жорий этилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимиз темир йўллари тизими билан ишончли асосда бевосита боғлаш имконини яратади. Шу тариқа биз бутун Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган ягона миллий темир йўл тармоғини барпо этишга эришамиз. Ҳеч шубҳасиз, бу нафақат иқтисодий-ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик стратегик лойиҳадир.

Бир пайтлар Ўзбекистоннинг электр, табиий газ тармоқлари, автомобиль йўллари бошқа давлатларнинг ҳудуди орқали ўтарди. Кейинги ўн йил ичида биз бу борада жуда катта ишларни амалга ошириш ҳисобидан ушбу коммуникацияларнинг барчасини ўз мамлакатимиз ҳудудидан ўтказишга эришдик. 2014-2015 йилларда темир йўл масаласида ҳам бу ишни, албатта, охирига етказамиз. Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз...

Давоми 2-бетда. ➡

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

«Меҳнатсевар, мард, танти, садоқатли ва масъулиятли, бағрикенг ва фидойи

Хитой ва Ўзбекистон халқларининг оила, давлат ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари ўхшаш...»

Муносабат

халқаро майдондаги обрўси ва таъсири тобора ортиб бораётганлигини далolat беради.

Ўзбекистон истиқлолга эришганида биринчилардан ушбу мамлакат юртимиз билан дипломатик муносабатларни ўрнатган эди. Ўтган даврда эса давлатларимиз ҳар иккала томоннинг муҳим манфаатларига дахлдор масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда: мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик

муносабатларини ривожлантириш дастури ва бошқа яна бир қатор ҳужжатларнинг имзолангани бунинг тасдиғидир.

Айни пайтда мамлакатларимиз биргаликда Ипак йўли иқтисодий йўналиши, «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли магистралли барпо этишни қўллаб-қувватламоқда, томонлар ўртасидаги яна кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, қўшимча ра-

вишда ана шундай ташаббусларнинг белгиланаётгани том маънода мамлакатларимиз ўртасида муносабатларнинг олтин даври бошланганидан далolat беради.

Учрашув давомида олий мартабали меҳмон – Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Президентимиз Ислам Каримовнинг икки мамлакат ва халқ ўртасидаги муносабатлар ўтмиши ҳамда истиқболига оид махсус чи-

қиши Ўзбекистон халқининг вакили сифатида бизни чуқур ҳаяжонга солди: яна бир бор мамлакатимиз танлаган йўл – «Ўзбек модели»нинг нақадар ҳаётлиги, шу билан бирга, Ўзбекистонни дунёда тинчликсевар, иқтисодий барқарор, фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат сифатида танилиб, тан олинди боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганлигини дилдан ҳис этдик.

Хитой давлати раҳбарининг қисқа фурсат ичида Ўзбекистон ривожланиш борасида оламшумул муваффақиятларга эришгани, халқ

фаровонлиги юксалиб, минтақадаги етакчи давлат сифатида намоён бўлиб келаётганини таъкидлаб ўтгани ушбу мамлакат раҳбариятининг юртимиз ҳаётини кузатиб, ислохотлар муваффақиятини сўзсиз тан олиб турганлигини билдиради.

Халқимиз вакиллари тимсолида Ўзбекистон халқи билан юзлашган мартабали меҳмоннинг парламентга ташрифи келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтирибгина қолмай, доимий дўст ва ҳамкор Ўзбек ҳамда хитой халқларининг муштарак мақсадлари рўёбига хизмат қилади.

Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Жаҳоннинг аҳолиси энг кўп бўлган етакчи мамлакат – Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг кунли кеча матбуотда эълон қилган мақоласидаги ушбу эътирофни мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлик, ишонч ва ҳурматнинг ёрқин намунаси сифатида қабул қилгандик. Бугун эса бундай муштаракликни яна бир муҳим воқеалик мисолида кўришга муваффақ бўлдик.

Мамлакатимизга расмий ташрифи давомида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказган учрашуви, дарҳақиқат, ушбу мамлакат ва халқнинг юртимизга самимий, дўстона ва ишончли стратегик ҳамкор сифатида қараётганлигини англатади.

Бу, ўз ўрнида, Ўзбекистоннинг



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасини www.th.uz
сайтида кузатиб boring

- Меҳнат, рағбат, даромад
- Сўқоқнинг тонглари бошқача
- Олтинчи сабоқ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган саммитда, шунингдек, ташкилот доирасидаги масалаларни ҳал этишда муҳим ҳужжатлар – ШХТнинг иш юритиш қоидалари ва ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 11 июлдан буён ташкилотга раислик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз аъзо давлатлар билан биргаликда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувини яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширди. ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилима сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа қўриқилган бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жазон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШХТ Хартияси қоидалари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдо, оммавий қирғин қуроллари ва уларни етказиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига арашмаслик принципларига асосланган ҳолда, хавфсиз, ҳолис ва очиқ ахборот маконини яратишга доир савий-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

◀ Бошланғич 1-бетда.

Мажлисда кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари, минтақа ва дунёдаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг пасайишига қарши самарали курашиш борасида тажриба алмашиш, инновацион технологияларни жорий қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ҳамкорлигининг устувор йўналишларида узоқ муддатли ўзаро манфатли лойиҳаларни амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари кенгаширининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисда қузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари – Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислоом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Эрон Ислоом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф, саммит меҳмони – Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов ҳам иштирок этди. Шунингдек, мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

Саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюко, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаширининг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислоом Республикасининг ШХТга аъзо давлат маконини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва умуман дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари маконини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маъқулладилар.

Музокаралар якунида ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШХТга аъзо ва қузатувчи давлатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

ШХТ Бош котиби Рашид Алимов Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги тарихий аҳамиятга эга бўлганини, бу даврда барча тадбирлар, жумладан, Тошкент саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига сاميий миннатдорлик билдирди.

Шу билан ШХТнинг Тошкент саммити якунига етди. У ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида ШХТ тарихидан алоҳида ўрин олади.

ШХТга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Мард одамнинг лафзи ҳалол бўлади. Ушанда давлатимиз раҳбари тилидан янграган бу янгиликни барча гулдурас қарсақлар билан кутиб олганди. Бу қувончли хабар бир зумда тарқалди. Айниқса, Тошкент вилояти ҳамда Фарғона, Андижон, Наманган ахлининг боши осмонга етди.

Мазкур сессиядан кўп вақт ўтмай – 2013 йил 18 июнь куни давлатимиз раҳбарининг "Электрлаштирилган "Ангрен – Поп" темир йўл линиясининг қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Шу тариқа, пурвиқор

доб довлонлари орқали йўл ўтган, қарвонлар қатнаган. Улардан биринчиси Қўрпасой, Шовғосой орқали Кандир довлони бўйлаб Аштга, ундан Панғоз ва Шайдонга, сўнг Қўқонга йўл бошлаган. Иккинчи довлон Қорақиясой ва Қўйликсой бўйлаб Оқтош ва Эрматсой, Сардоб довлони орқали Қурама тизма тоғи ва Тобшоар, Консой, Чорухдайрон масканлари оша Хўжандга ўтиш йўли ҳисобланган.

Табиийлик, мунтазам қатнаб турган қарвонлар учун Хўжанд орқали водийга ўтиш йўли ниятда хатарли бўлган. Асрлар давомида табиий йўсинда пайдо бўлган бу йўл, шу тариқа



қўринг.

Хуллас, эндиликда айни пайтгача ягона бўлиб турган мазкур қатновга ёнма-ён муҳташам ва замонавий темир йўли ҳам қўшилди. "Ўзоғимиз яқин бўлди",

да вазиятлар учун яна бир туннель қурилади. Умуман, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,9 миллиард АҚШ долларига тенгдир. Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннахр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияга мувофиқ барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларининг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва таширлар мунтазамлик касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташириги ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши таширининг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташир йўлида 5,3 миллиард АҚШ доллар миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сарможий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланган эди. Ана ўша ташир ва мулоқотларнинг яна бир амалий натижаси ўлароқ, бугун хитойлик ҳамкорлар билан Қамчиқ довлонида улкан инвестицион лойиҳа амалга оширилди.

Янги туннель Тошкент вилоятининг Охангонг тумани, Сардала қишлоғидан бошланиб, Поп туманининг Гулистон қишлоғи ҳудуди-га олиб чиқади. Қурилиш давомида Қурама тоғ тизмалари бўйлаб ўнлаб қўприк ва йўлқазғичлар барпо этилди, баланд-пастликлар сунъий равишда тупроқ ва шағал ердамида текисланди, умуман, 266 та сунъий иншоот, 6 та темир йўл станцияси, 2 та вокзал ва 3 та электр станциялари барпо этилди. Бу ишларни амалга ошириш учун эса 560 га яқин замонавий техника ва икки ярим минг нафарга яқин қурувчилар жалб қилинди.

"Дўстликнинг кучи тоғи тошни талқон қилади", дейди халқимиз. Орадан йиллар, асрлар ўтар. Бироқ, икки буюк халқ дўстлигининг ёрқин тимсоли бўлиб, тоғу тошларни титратган бу буюк воқелик, буюк жасорат ҳеч кимнинг ёдидан ўчмайди.

Беход ҚОБУЛОВ.

ДўСТЛИКНИНГ КУЧИ ТОҒНИ ТАЛҚОН ҚИЛАДИ



Қамчиқ довлони истиқлол меъморининг қўлгул нияти, эзгу ташаббуси билан янгитдан забот этиладиган бўлди, пўлат излар солиниб, водийлик ва тошкентликлар бир-бирларининг қалб тафтини ҳис этиб яшайдиган қунар бошланди. Чустлик йигит сархил мевасини дам ўтмай Тошкент бозорига элса, паркентлик соҳибқор ўзи етиштирган узумнинг сарисини Андижон бозорига пуллаб, оқшом чўмасдан уйига қайтиши мумкин...

Эртаққа ўхшайди, а? Ҳаёт шундай, мардлик ва шижоат эртақларни воқеликка айлантиради. "....Қанча довлондан ўтдик"

Шу ўринда икки дўст халқнинг азму шижоати билан бунёд этилган мазкур темир йўлнинг савлату салобати ҳақида икки оғиз мулоҳаза. Зотан, бугун биз қандай довлонни забот этганимиз ҳақида ҳар қанча мағрурланиб гапирсак арзийди.

Олтин водий дарвозаси – Қамчиқ довлони Тянь-Шань тоғининг Қурама тизмасида жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 2268 метр баландликдан ўтади. Тарихчи олимларнинг эътирофига, "Қамчиқ" сўзи луғавий жиҳатдан "кем-шиқ" – "синик", "чети буртиб чиққан" деган маъноларни билдиради. Айни ҳудудда, шунингдек, Резак, Қизилча довлонлари ҳам бор. Аммо, энг баланд довлон, шубҳасиз, Қамчиқдир.

Қадимда Кандир ва Сар-

◀ Бошланғич 1-бетда.

бизнинг қунарларга қадар аҳолига хизмат қилиб келаётган. Қамчиқ довлонидан ўтувчи асфальт ётқизилган замонавий йўл 1952 йилда ҳудуддаги аҳолининг савий-ҳаракати туфайли, асосан ҳашар орқали қурилган.

Албатта, бу йўлнинг эни беш-олти метрлик бўлгани учун, қатнашга ноқулайлик туғдирар, йилдан-йилга қўпайиб бораётган автоуловлар тирбандлик келтириб чиқарар эди. Истиқлол йўлсозлик борасида янги имкониятлар эшигини очди. Хурриятнинг дастлабки йилларидаёқ, Ўзбекистон ҳудудидаги магистралларни трансевропа ва транссиёй йўлларига туташтириш савий-ҳаракатлари бошланди. Қамчиқ довлонига бетон ва асфальт ўрнига, уч қатламли қопламалар тўшала бошланди. Шунингдек, йўлнинг юзаси 29-30 метрга, муҳофаза қисмини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 36 метрга етказилди...

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, тоғ тепасидан ўтувчи замонавий кенг ва равон йўлнинг бир километри учун 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарф бўлар экан. Ана энди, "Тошкент – Ўш" автомагистралининг 80 километрлик ҳудудини қамраб олувчи Қамчиқ довлонидаги йўлларни кўз олдингага келтириш. Тикланиш ва тараққиёт йилларида бошқа соҳаларга ҳам маблағ сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган паллада 4-5 минг нафар ишчи томонидан олиб борилган қурилиш-монтаж ишларини тасаввур қилиб

дейди Охангонгга қиз узатган поплик онахон. "Болагинамнинг йўллари равон бўлди", дейди талаба ўғлини ўқишга кузатаётган дуоғўйларимиз...

Осмонларга интилиб...

"Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўли денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликдан ўтади. Узунлиги 125 километрга тенг бўлган мазкур йўл қурилиши ишлари 2015 йил охирида асосан аяқланган, жорий йили эса у билан боғлиқ барча инфратузилмаларнинг қурилиши ниятсизга етказилди.

Янги темир йўлнинг қурилиши Ўзбекистоннинг барча вилоятларини бири-бири билан боғловчи ягона ички темирйўл тизимини вужудга келтирди. Шунингдек, у бир томондан Марказий Осиёни Хитой, бошқа томондан эса Европа билан боғлаб, Ўзбекистоннинг транзит имкониятларини бекиёс оширди.

Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК билан Қамчиқ довлонидан ўтадиган туннелни қуриш учун 455 млн. АҚШ доллари миқдорида тенг шартнома имзолаган бўлиб, лойиҳа доирасида Хитой компанияси томонидан поездлар ҳаракати учун узунлиги 19 километрлик туннель ва фавқулод-

дайдир халқимиз. Орадан йиллар, асрлар ўтар. Бироқ, икки буюк халқ дўстлигининг ёрқин тимсоли бўлиб, тоғу тошларни титратган бу буюк воқелик, буюк жасорат ҳеч кимнинг ёдидан ўчмайди.

Беход ҚОБУЛОВ.

Назорат

Қундалиқ фаолиятимизда автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станциялари орқали сиқилган табиий газ сотиш фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ қўллаб-қувватлар бўлиб туради. Бу иш билан шуғулланишни мақсад қилган тадбиркорлар соҳага доир муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдаги тартиб-қоидаларни жиддий ўрганиб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

МУВОФИҚЛИК – МУҲИМ МЕЗОН

Авалламбор, шунинг қайд этиш зарурки, компрессор станциялари орқали автомобилларга сиқилган газ сотиш алоҳида лицензияланган фаолият турига кириб, у Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялашга қаратилган махсус қарори билан тартибга солинади.

Бундай фаолият тури билан фақатгина ваколатли орган – Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси томонидан лицензияланган юридик шахслар шуғулланиш ҳуқуқига эгалар. Газ сотиш бўйича фаолиятни

амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия одатда 5 йил муддатга берилади. Унинг амал қилишини муддатидан аввал бекор қилиш ёки муддатини узайтириш ҳам ваколатли идора зиммасидадир.

Лецензия олиш учун талабгор "Ўздавнефтегаз-инспекция"нинг ўрнатилган технология жараёнлари ва асбоб-ускуналар аҳволининг амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқлигини шаҳодатловчи ҳулосасини тақдим этиши шарт. Ўрганишлар жараёнида қўллаб талабгорларда сиқилган газ сотиш компрессор станциялари фаолиятига доир белгиланган талаблар тўлиқ бажарилмаслик ҳолатлари аниқланади. Бундай ҳолларда қамчиликлар тўла бартараф этилган тақдирдагина, қайта мурожаатга асосан ҳулоса берилиши мумкин.

Жомол САЛИМОВ,
"Ўздавнефтегаз-инспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.

ТАЖРИБА, ТАВСИЯ, ТАКЛИФ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ИИБ ЙХБ ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари ҳамкорлигида Республика Президентининг 2016 йил 12 майдаги "2016 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги ғалладан бўшаган майдонларда сомон қолдиқлари ёқилишининг олдини олиш мақсадида семинар ташкил этилди.

Семинарда таъкидланганидек, тақдирий экин экиш учун ерларни ҳайдаш шарт эмас. Сомонни йиғиб олиб, сув югуртириш ва қаторларни қишиб олиш кифоя. Сомон ердаги намликни сақлайди. Бу саратон иссиғиде экилган уруғнинг беҳато униб чиқиши ва сув тежаллигини таъминлайди.

Бир гектар майдондаги сомон ёқилганда атмосферага 500 грамм азот оксиди, қариб 400 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 ки-

лограмм ис газ ва углевод оксиди каби зарарли газлар чиқади ва оқибатда турли хил касалликлар тарқалади. Сомон ёнган жойдаги тупроқнинг таркиби бузилиб, унумдорлиги пасаяди. Шунингдек, дала атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жиддий зарар етати.

Семинар доирасида Ўрта Чирчиқ туманидаги "Эъзоа агробизнес" фермер ўржа-лида мавзуга оид амалий кўргазма ташкил этилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.

Дикқат, танлов

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида энг улуг, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига "Ўғзал ва бетакдоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида кенг кўламли

Маълумки, ёшларни ҳар жиҳатдан барқарор қилиб тарбиялаш, оила-ларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш каби давлат ва жамият тараққиётига дахлдор бўлган муҳим вазифалар ижросида маҳал-ларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Айниқса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла мас-лаҳатчилари бу борада

кўплаб самарали ишларни амалга оширишмоқда. Бугунги кунда бой ҳаётий тажрибага эга, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида иж-бий таъсир ўтказа олади-

ган обрўли ҳамда фаол хотин-қизларнинг мас-лаҳатчи сифатида иш олиб бориши фаолият самарадорлигини таъминлашда, айниқса, кўл келмоқда. Ҳар йили "Маҳалла" хайрия жамоат фонди та-шаббуси билан бир қатор вазирилқлар, идора ва ташкилотлар ҳамкорлиги-

да "Фуқаролар йиғинла-рининг энг намунали диний маърифат ва маъна-вий-ахлоқий тарбия маса-лалари бўйича маслаҳат-чиси" кўрик-танлови ўт-казиб келинади. Бу йилги танлов Ўзбекистон Рес-публикаси давлат муста-қиллигининг йигирма беш йиллик тантаналари

арафасида ўтказилаётган-ни билан янада аҳамият-лидир. Кайд этиш зарурки, маслаҳатчилар зиммаси-даги вазифалар ижроси-ни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбат-лантириш, муносиб тақ-

дирлаш ҳамда бу бора-даги илгор иш тажриба-ларини кенг оммалашти-риш мақсадида ўткази-лаётган танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 177 нафар маҳалла мас-лаҳатчилари иштирок этди. Қуйи босқичларда голиб чиққан 18 нафар маслаҳатчи эса 28 июнь куни Қиёрий туманидаги "Дўрмон" маданият са-роида бўлиб ўтадиган вилоят босқичида голиб-лик учун курашадилар. Тадбир давомида фуқа-ролар йиғинлари фаоли-тига оид кўргазмалар, шу-нингдек, ҳудудда фаолият юритаётган оилавий та-дбиркор ва ҳунармандлар маҳсулотларидан намуна-лар намойиш этилади.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Эрталаб ишга кетаётган, либос танлашда иккилансангиз, марҳамат, "Рангли телевизор" хизматингизга тайёр. Вилот ёки шаҳар миқёсида сизни қийнаётган муаммолар бўлса, "Очиқ мулоқот" дастурига мурожаат қилинг. Сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишни хоҳласангиз "Poytaxt" ахборот дастурини кўринг...



Ушбу дастурларни нима бирлаштириб туради дейсизми? Албатта, "Toshkent" телеканали. Бугун телеканаллар кўпайиб, ижодий рақобат қучайиб бораётган бир пайтда мазкур жамоа ўзининг ранг-баранг, туркум кўрсатувлари, замонавий рўхдаги телелойihalар билан мухлислар эътиборига тушмоқда.

Чунки, жонли мулоқот воситаси — эфир орқали бугунги куннинг долзарб муаммоларини кўпроқ акс эттириётган, жамоатчилик фикрини шакллантиришга интилаётган телеканал кўрсатувларида давр нафаси ва руҳи сезилиб туради.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Мустақил телерадиоканалларни ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ мазкур телерадиоканалнинг ташкил этилганга 10 йилдан ошди. Шу давр мобайнида жамоа ўзига хос ижод йўлини танлаб, салмоқли натижаларга эришиб келмоқда. "Кўзгудаги биз", "Сайёр камера", "Очиқ мулоқот", "Очиқ мулоқот" дан сўнг каби кўрсатувлар, "Озодлик қадр", "Сўқирнинг пушаймони", "Ўзингдан чиққан бало", "Одам вирус ёхуд тўқликнинг шўхликлари" сингари танқидий-таҳлилий кўрсатув ва ҳужжатли фильмлар, "Poytaxt-intervyu", "Poytaxt-reportaj", "Poytaxt-avto" каби тезкор телестатустлар, "Тошкент вақти", "Дунёдан дараклар", "Сифат назорати" сингари кўрсатувлар дунё тележурналистикасида қўлланаётган илгор тажрибалардан ўрганиш, тинимсиз изланиш, интилишлар самараси, десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда телеканалнинг вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кенг ёритишдаги муносиб хизматлари алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу

борада "Очиқ мулоқот", "Очиқ мулоқот" дан сўнг кўрсатувлари диққатга сазовор. Уларда Ангрен, Охангарон, Окқўргон, Бекобод, Ўрта Чирчик, Чиноз каби шаҳар ва туманлардаги муаммолар ечимига ҳолислик билан ёндашилгани, мулоқот пайтида аҳолидан тушган

— Дастуриимизнинг ўзига хос жиҳати — унинг ҳар соатда эфирга узатилишида, — дейди "Poytaxt" ахборот дастури бош режиссёри Шерзод Мирпўлатов. — Унда мустақил Ўзбекистони-

Шунингдек, обод диёримиз мустақиллигининг 25 йиллигига қизгин тайёргарлик келтирилган шу кунларда шонли

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ НАМОЙИШ ЭТАДИ



ўринли саволларга мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жавоб беришгани, кейинчалик, мулоқотларнинг натижалари ҳам рўй-рост кўрсатиб берилиши мукимликларида жамоага нисбатан ишончининг орттиришга сабаб бўлаётган. "Сайёр камера" саёхати асосида тайёрланаётган кўрсатувлар ҳам пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги ободончилик ишларида озми-кўпми ҳисса қўшаётган.

Айниқса, журналистиканинг энг зарур жиҳатлари: тезкорлик, ҳозиржавоблик руҳидаги ҳолис ва ҳаққоний ахборотни жамоатчиликка, халқро ҳам-жамоатга етказиётган "Poytaxt" ахборот дастури қисқа давр ичида кенг мухлислар аудиториясига эга бўлди. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида замонавий жиҳозланган юқори технологияга эга студиядан эфирга узатилаётган ахборот дастурлари интеллектуал салоҳиятли, билимдон ёш телебошловчилар маҳорати туғайли томошабинлар меҳрини қозонмоқда.

миздаги кенг қўламли ислохотлар самаралари изчил ёритиб боришда. Ўзбекистонда бўлса, ўтган йили декабрь ойида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, шунингдек, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутувчи янги лойиҳа — "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўли ҳақида ҳикоя қилувчи "Буюк ва шонли йўл" кўрсатувини томошабинлар эътиборига ҳавола этилган эди. Кўни кеча ўша кўрсатувнинг мантқий давоми сифатида тоғ бағрини ёриб ўтган Қамчиқ доғидаги 19,2 километрни темир йўл туннелининг очилиш маросимидан репортаж эфирга узатилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан тайёрланаётган "Poytaxt-intervyu" телестатуси ҳам мухлислар эътиборини қозонапти. Унда хорижий давлатларнинг элчилари ва чет эллик экспертлар билан мулоқотлар бевосита инглиз тилида олиб

Халқикатан ҳам сўнгги йилларда ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашган "Очиқ мулоқот" телерадиоканали ижодкорларининг фаолияти ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Аммо, "юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" деганларидек, "Toshkent" телерадиоканалини томоша қилинг, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз...

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СЎЗ АЙТМОҚ САОДАТИ

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотимиз ҳар жиҳатдан ривожланди. Эркин ва мустақиллиги таъминланди. Моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, малакали журналист кадрлар тайёрлаш тизими бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Эндиликда матбуот ва оммавий ахборот воситалари мустақил Ватанимиз ва халқимиз ҳаёти кўзгуси, таъбир жоиз бўлса, халқ минбарига айланди. Газета ва журналларда, радио ва телевидениеда юртимиз ҳаётидаги бекиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, барча соҳадаги янгиликлар ўз аксини топмоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва туман оммавий ахборот воситалари ҳам бугунги имконият ва эътибордан қўлиб, зиммаларидаги масъулиятли ва зифани шараф билан адо этишга интиломоқда. "Бўстонлик овози" ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам бу йўлда собитқадамлик қилимоқда.

Бу йил газетанинг илк сонини муштарийлар қўлига етиб борганига 80 йил бўлди. Манзура Алиохунова муҳаррирлигида чоп этилаётган нашр бугунги кунда 4 мингга яқин хонадонга кириб бормоқда.

Нашрнинг ўқилиш чиқилиши журналист ва жамоатчи мухбирлар ёрдамида тасаввур этиб бўлмайди. Таҳририятнинг ижодий ходимлари Рўздат Исмоилов, Сауле Шангарова газетани ранг-баранг мавзулардаги пишиқ-пукта мақолалар билан таъминлаш учун тинмай изланишлар. Бундан ташқари, кўп

йиллар муҳаррир ўринбосари, муҳаррир лавозимларида ишлаб келган Абдихон Исмонов, таржима бўлими муҳри Жаҳонқул Даулоев ҳам нафақада бўлишлари қарамай, газета билан ижодий ҳамкорлик қилишмоқда.

Рўзнома саҳифаларида "Маънавият муаммолари", "Сўранг, жавоб берамиз", "Инсон ва қонун", "Турмуш чорраҳаларида", "Ҳуқуқий саводхонлик", "Экологик маданият" ва бошқа руқнлар остида имкон қадар қизиқарли ва мазмунли мақолалар бериб борилаётган. Шунингдек, Соғлом она ва бола йили муносабати билан туманда амалга оширилаётган ишлар мунтазам ёритилмоқда.

"Бостандық даусы" газетаси эса қозоқ тилида муштарийлар қўлига етиб бормоқда.

— Ижодий жамоамиз юртимизда ижод аҳлига билдирилаётган юксак ишонч ва катта эътиборга жавобан зиммаларидаги муҳим ва масъулиятли вазифани бекаму кўст адо этишни мақсад қилган, — дейди газета муҳаррири Манзура Алиохунова. — Бу борада тажриба ва маҳорат орттиришга, янги, навқирон ижодкор ёшлар авлодини шакллантиришга интилаётиз.

Нозима РАСУЛОВА.
Даврон АХМАД
олган сурат.



Реклама ва эълонлар

«AVTO GARANT BUSINESS» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 11 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситаси тақдоран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Охангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Охангарон туманлараро судининг 20.03.2015 йилдаги № 1-5267/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 882 ОАА, ҳозирда автомашина давлат рақами 10 248 GCA бўлган, "HOWO" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 98 539 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бу-

хоро кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов

Гувоҳнома № 004593.

«KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан 04.04.2016 йилдаги № 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи — 312 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 255,44 кв.м., қурилиш ости майдони 215,04 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (хўли)" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йилнинг 28 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Тақрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонто-

водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган, (0001 литердан 0013 литергача бино ва иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмалар ҳужжатсиз) "ноту-раржой биноси" ҳамда Тошкент шаҳри, Ч-тепа тумани СИБ томонидан, 18.08.2015 йилдаги № 10-1508/13801-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошлангич нархи — 71 669 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 6-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 3-уй, Автомажма ҳудуди, 4/4-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м., фойдаланиш майдони 15,49 кв.м.дан иборат

бўлган "24-сонли савдо дўкони" қўйилмоқда. Тақрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 14 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мўл бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига, 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулк-

лар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар қимомшди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.

Мамлакатимизда нашриёт-матбаа корхоналарининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб, босма маҳсулотлар мазмунан ва дизайн жиҳатдан жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтарилиб бормоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори соҳага янада кенг қулайликлар яратиб берди.

ЭЪТИБОР, ИМТИЁЗ, РАҒБАТ

матбаа корхоналари ривожига муҳим ўрин тутмоқда



Бундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган Ўрта Чирчик туманидаги "NISO POLIGRAF" масъулияти чекланган жамияти 2012 йилдан бундан Германия, Хиндистон ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги замонавий полиграфия ускуналари билан жиҳозланди. Бу нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, балки маҳсулотларни замонавий дизайн асосида тайёрлаш имконини бермоқда.

Бугун корхонада китоб, дафтар ва бошқа турли босма маҳсулотлардан ташқари вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги 11 та ҳафталик газета, 4 та олий ўқув юртининг илмий-оммабоп ва тиббиёт соҳасига доир журналлари чоп этилмоқда. Шунингдек, яқин тартибдаги буюртмалар ҳам қўлайиб бормоқда.

— Матбаа соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган имтиёз ва шароитлар туғайли имкониятларимиз янада кенгаймоқда, — дейди жамият раҳбари ўринбосари Абдуваҳоб Ермухаммедов. — Биз биринчи навбатда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатида алоҳида аҳамият берамиз. Шу мақсадда техник ускуна ва жиҳозлар мунтазам янгилаб борилади. Бу мижоз ва бу-

юртмачиларни қўлайитириш билан бирга матбаа маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш, сифатини ошириш, импорт ўринини босувчи товарлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда корхонада 42 мутахассис меҳнат қилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг кўпчилиги касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир. Ишчи-ҳодимлар учун корхона томонидан тушили ташкил этилган, уларни иш жойига олиб келиш ва олиб бориб қўйиш учун махсус автобус ажратилган.

Бизга маълум қилишларича, бу йил ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида замонавий автоматлаштирилган ускуналарни харид қилиш юзасидан музокара олиб боришмоқда. Бу масала ижобий ҳал этилса, ишлаб чиқариш жараёнида вақтни, маблағ ва қимматли хом ашёларни тежаш, босма маҳсулотларни юқори сифатда тайёрлаш ва, энг муҳими, янги иш ўринларини очиб имконият юзага келади.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Хайрат

Бу гулни хонадон эгалари ўзгача меҳр билан парваришларди. Уларнинг тафтини ҳис этган гул ҳам кундан-кунга гуркираб ўсар, барг ёзиб, гул очарди. Унинг чиройига махлиё одамлар суқланиб боқар, уй эгаси эса қизганиб, парда ортига яшириб қўярди.

САДОҚАТНИНГ КАРОМАТИ



Вақти келиб, хонадон эгалари узоқ муддатга хизмат сафарига кетадиган бўлишди. Гул эса, вақтинча бошқа хонадон эгаларига топширилди.

— Бу гулни оиламиз рамзи сифатида жуда ардоқлардим, — деди уй бекаси. — Ундан айрилгим йўғ-у, аммо узоқ йўлга олиб кетолмайманда, қуриб қоладими, деб қўрқаман... Илтимос, бегзабон қолдирмасангиз.

Гулни олиб чиқишга етганда, эҳтиётсизлик туфайли узилиб тушган бир донча япроқча ҳеч ким эътибор бермади. У гултувакнинг ўрнида, парда ортида анча вақтгача қолиб кетди. Уйдан хабар олиб, у ёқ-бу ёнига қараб турувчилар парда ортига назар ташлашмасди.

Шу алфозда кунлар, ойлар ўтди. Япроқ эса, яхши кунлар умидида яшар, ўша лаҳзаларни интиқлик билан кутарди.

Бир кун япроқ ўзида қандайдир ўзгаришни

сезди. Вужудини ёқимли бир ҳис чулғади. Унинг кўксини нозиккина ниҳол ёриб чиқиб, амал ола бошлади. Энди у бир неча ойлاردан бери ҳеч ким эътибор бермаётган, кундан-кунга сарғайиб, хазонга айланган оддий баргдан навниҳолга, ҳаёт берган она заминнинг бир қисмига айланган эди гўё. У энди ўзида қандайдир куч-қувватни ҳис этиб, шу митти жон учун яшай бошлади. Ажаб, япроқнинг ҳаётбахш сувидан куч олиб ўсаётган миттигина ниҳолда қўриб, қиз тўймайдиган гўзал япроқчалар пайдо бўлди.

Орадан саккиз ой ўтиб, хонадон эгалари уйга қайтишди. Табиийки, парда очилганда, уй бекасининг ўша мўъжизага қўзи тушди: "И-е, бу ўша гулимининг япроғи эмасми?! Қизик, саккиз ойда бутунлай қуриб қолган бўлиши керак эди-ку?!" Япроқнинг новдандан узилган жойидан униб чиққан миттигина ниҳол уни янада ажаблантирди. "Наҳотки, шу биргина япроқ шундай чиройли гулнинг униб чиқиши учун саккиз ойдан буён жон сақлаган бўлса..." Бундай фидойиликни нима деб аташ мумкин?! Буни фақат, табиат инояти, ҳаётга интилишнинг каромати, дейиш тўғри бўлар...

Хулқар НУРМАТОВА.

БАЙТҚҮРҒОНЧА ЭПЧИЛЛИК НАШИДАСИ

Соғлом оила мустаҳкам бўлади. Чунки бундай оилада эзгу инсоний фазилатлар камол топади, ўзаро ришталар узилмайди.

Шижоат

Юртимизда спортга берилган катта эътиборнинг самараси ўларок, ҳозирги кунда спортга қизиқувчилар, уни ҳаёт тарзига айлантираётган соғлом, мустаҳкам оилалар кўпайиб бормоқда.

Қибрай туманида ўтказилган "Отан, онам ва мен — спортчи оила" мусобақаларида 12 та қишлоқ фуқаролар йиғи-

нидан 10 та спортчи оила иштирок этди.

— Туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, маданият ва спорт ишлари бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги ушбу мусобақа аҳолида спортга қизиқишнинг янада ортиши, спортчи оилаларнинг кўпайишига туртки бўлди, — дейди "Ма-



ҳалла" хайрия жамоат фонди бош мутахассиси Дилором Турсунова. — Айниқса, Байтқўрғон қишлоғи, "Қўприқбоши" ма-

ҳалласилик Умид Фафуровлар оиласининг спортга қизиқиши, маҳорати юқори баҳо олди. Шунингдек, 2-, 3-ўрин эга-

лари Чинободнинг "Бўстон" маҳалласидан Баҳром Камоловлар, Тузель қишлоғи, "Ибрат" маҳалласидан Зухриддин Дадабоевлар оиласининг қишлоқларини иштирокчилар завқ, шавқ билан томоша қилишди. Табиийки, бу каби мусобақаларнинг вилоят босқичида ҳам бизнинг спортчи оилаларимиз туманимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

Саида ИКРОМОВА.
Даврон АХМАД
олган сурат.



Албания

терма жа-

моасининг

сўнги турдаги

қарамонлиги

уларнинг Тиранага

ёруғ юз билан бориш-

ларига сабаб бўлмоқда. Бу

ҳам чемпионатнинг кутил-

маган натижаларидан

бири эди. Россия терма

жамоаси эса муҳлислари-

ни хафа қилди. Уларнинг

Англия ишқибозлари билан

жанжаллашганининг

ҳаммаси бир тийинга қим-

мат бўлиб чиқди. Сабаби,

футболчилар икки ўйинда

имкониятни бой берди.

Бош мураббий Леонид

Служкий "ЖЧ — 2018"

га футболчиларни янги

бош мураббий тайёрлаши

Франция яшил майдонларида бўлиб ўтаётган Европа чемпионатининг гуруҳ босқичлари ҳам тарихда қолди. Ижобий натижалар қайд этган терма жамоалар ва омади келган футболчилар нимчорак финалда иштирок этишмади.

«ЮЛДУЗ»ЛАРГА ТУШУНИБ БЎЛМАЙДИ

Албания терма жамоасининг сўнги турдаги қарамонлиги уларнинг Тиранага ёруғ юз билан боришларига сабаб бўлмоқда. Бу ҳам чемпионатнинг кутилмаган натижаларидан бири эди. Россия терма жамоаси эса муҳлислари-ни хафа қилди. Уларнинг Англия ишқибозлари билан жанжаллашганининг ҳаммаси бир тийинга қиммат бўлиб чиқди. Сабаби, футболчилар икки ўйинда имкониятни бой берди.

Бош мураббий Леонид Служкий "ЖЧ — 2018" га футболчиларни янги бош мураббий тайёрлаши кераклигини тан олди. Акс ҳолда улар ўз мамлакатларида ўтадиган мундиалда ҳам жуда ёмон ўйин кўрсатишлари мумкин. Барчанинг эътибори Португалия терма жамоасида бўлди, десак адашмаган бўлардик. Роналдунинг Австрия дарвозасига пенальтидан гол ура олмагани жамоасининг имкониятларини жуда паласайтириб юборганди. 3-турдаги рақиб гуруҳ пешқадами Венгрия бўлди. Учрашувдан олдин венгрияликларнинг рақиб дарвозасини 3 марта ишғол қилишини ҳеч ким башорат қила олмасди. Аммо, Кристиану Роналду икки

марта ўзини кўрсатиб, дублга эришди. Якуний ҳисоб — 3:3. Португалия терма жамоаси Венгрия ва Исландиядан сўнг 3-ўрин билан кейинги босқичга йўлланма олди.

Кришти ҳақида яна бир гап. У австрияликлар билан бўлган баҳсдан сўнг битта футбол фанати билан сўзлашганда, тартиб соқчиларига "тегманглар" деб футбол

ишқибозининг кўнглига қарагани омманнинг эътиборига тушди. "Роналду ҳақиқий профессионал" деган иборалар янгради. Энг қизиги, худди шу футбол юлдузи орадан ҳеч қанча вақт ўтмай португалиялик журналистнинг саволидан ғазабланиб, унинг қўлидаги микрофони уни улоқтириб юборди. Ҳа, юлдузлар ўзи шунақа, кайфият кишиси бўлишди.

Демак, нимчорак финалда қуйидаги жуфтликлар майдонга чиқишади:

Швейцария — Польша
Уэльс — Шимолий Ирландия
Хорватия — Португалия
Франция — Ирландия
Германия — Словакия
Венгрия — Бельгия
Италия — Испания
Англия — Исландия

Дарвоқе, Сен Дени шаҳрида ўтадиган Италия — Испания учрашувида Антонио Конте бошчилигидаги италияликлар 4 йил аввалги финалдаги маглубият аламини олишлари учун яхши фурсат, десак муболага бўлмайди. Шунингдек, Хорватия ва Португалия жуфтлиги баҳси ҳам қизиқарли кечиши кутилмоқда. Мазкур баҳслар ҳақида келгуси ҳафтада сўз юритамиз. Кузатиб boring.

Исломжон АЮБЖОНОВ тайёрлади.

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

бор. Атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътибор билан муносабатда бўлиш, огоҳ ва хушёр туриб, ҳар қандай вазиятга нисбатан ўз шахсий қарашига эга бўлиш қимматли белгисидир. Аммо, турли тасирларга тушиб, ёрқин келажагини барбод қилаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

Билиб-билмай, ана шундай эгри йўлга кириб қолган фарзандларимизни доимий кузатиб бориш, уларга тўғри

йўл кўрсатиш барчамизнинг, айниқса, биз, педагогларнинг бурчимиздир. Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Келажақ авлоддан яхши ўқиб, эл, Ватан қорига

ярайдиган инсон бўлиб етишиш талаб қилинади, холос. Бизнинг зимма-мизда эса, уларга симфатли таълим-тарбия бериб, юксак маънавият-ли авлодни воғда етказишдек улкан вазифа турибди.

Зотан, тинч, осойишта замондагина ҳаёт фаровон бўлади, тараққиёт давом этади, байрамлар байрамга уланади. Инсонлар қалбида келажакка ишонч туйғуларни жўш уради.

Малика АБДУҚАЙОМОВА,
Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Агар огоҳ сен...

Хар бир инсон тинч, хотиржам яшашни истайди. Бугун дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган нотинчлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар мустақиллик, тинчлик, ободлик каби тушунчаларнинг қадри нақадар баланд эканини барчамизга яна бир бор теран аңлатмоқда.

Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли бўлган бугунги кунда эртаминг эгалари бўлмиш ёшларни шиддатли оқимлардан, ноҳилис ахборотлар таъсиридан асраш масаласи янада долзарблик касб этмоқда. Миллий менталитетимизга ёт,

қадрият ва аънаналаримизга мос келмайдиган турли қарашлар, "оммавий маданият"нинг беҳаё кўринишларини ёшлар онгига сингдиришга бўлган уринишларнинг олдини олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" деган гап

йўл кўрсатиш барчамизнинг, айниқса, биз, педагогларнинг бурчимиздир. Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Келажақ авлоддан яхши ўқиб, эл, Ватан қорига

ярайдиган инсон бўлиб етишиш талаб қилинади, холос. Бизнинг зимма-мизда эса, уларга симфатли таълим-тарбия бериб, юксак маънавият-ли авлодни воғда етказишдек улкан вазифа турибди.

Зотан, тинч, осойишта замондагина ҳаёт фаровон бўлади, тараққиёт давом этади, байрамлар байрамга уланади. Инсонлар қалбида келажакка ишонч туйғуларни жўш уради.

Малика АБДУҚАЙОМОВА,
Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 25 июнь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Жиноятга жазо муқаррар

Мол-дунё қанчалик кўп бўлса, инсон ўзини бошқариши шунча қийин бўлади. Ҳар қандай номаъқулчиликни қилиб кўргиси келади. Иродасизлик қилади. Пул билан барча нарсани ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Равшан Ибрагимов яқиндагина "кимсан фалончи" эди. Қўлида яхшигина иши, жаражарақ пули бор эди. Пул топиш осон, уни тўғри сарф қилиш қийин деганларидек, у ҳам толган пулини зиёфату кайф-сафоларга сарфлаб бошлади. Яқинлари ва атрофдагиларнинг маслаҳатларига парво қилмади. Барчани оёқ учида кўрсата бошлади.

Аммо, бундай юриши билан узоққа бормаслигини ўйлаб ҳам кўрмади. Пул кўзини кўр қилган йигит маблағини кўпайтириш учун разилликка қўл урди. Бугун эса яқинлари олдида юзи шувут бўлиб ўтирибди.

Бир кун Бекобод шаҳридаги танишининг тўйига бориб, шериклари билан тўйиб ичгани камлик қилгандек, кафега кириб, майхўрликни давом эт-

ҚАТРА ОҒУНИНГ КАСОФАТИ

тирди. Обдон кайфи тарақ бўлганини кузатиб турган бир йигит унинг пинжиги кирди. Гап орасида нотаниш кимсанга наша чекишни таклиф этди. Сармаст Равшанга шериклари ундай қилмаслиқни айтишганда: "Пулни ўзим топаман, уни ўзим хоҳлаган нарсага ишлатаман", қабилидаги гаплар билан қулоқ солмади. Биринчи марта нашининг кайфини татиб кўрди. Бу ўзини Баҳром деб таништирган нашаванд йигитнинг иродаси суст Равшанга синамоқ учун

ниб, иккинчи қармоқча яна ўша хўракни илди. Корхонасида ишлаб чиқарилган ичимлик сувларини савдо шаҳобчаларига тарқатиб, хурсанд юрган Равшан бу хўракни ҳам пақос ютиб юборди. Баҳромга айнан шу керак эди. У икки бор ҳадя қилинган нашининг "ҳақини ундириш" режасини туза бошлади.

Тахминан икки ой ўтиб, ус-таси фаранг нашафуруш билан "ҳаваскор" нашаванд анча яқин бўлиб олишганди. Тўйтепада учрашганда Баҳром Равшанга

кинлигини ўйлаган Равшан ўзича режа тузиб, Баҳромга пул берди.

Қарзга олинган долларни қайтаришга келганда Равшан: "Ўша пул эвазига бир килограммга яқин наша бера қол", деган таклифни ўртага ташлади. Баҳром ҳам шунча пуллик моли сотилганидан хурсанд бўлиб, унга гиёҳванд моддани кўшқўллаб тутқазди. Равшан Баҳромдан олган нашасини пуллашини ўйлаб бошлади. Баҳромнинг ўзи мижоз топишда унга ёрдамлашди. Энг ёмони,



роларимизнинг атрофдаги воқеаларга хушёрлик ва огоҳлик билан муносабатда бўлаётганлари сабаб бугун кўплаб кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда. Равшаннинг нопок қадам ташлаётгани атрофдагилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари эътиборини тортиди. Шу сабабдан у кузатув остига олинди.

Бўка шаҳарчасидаги "Баҳор" ресторани ёнига бориб, Баҳромга кўнглироқ қилган Равшан ресторандан қўлида халтача билан чиққан "дўсти"ни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Унга бир дунё "лаззат" олиб қийбатган йигитга қараб оғзининг таноби қочди. Ундан халтадаги гиёҳванд моддани олиб, "мижоз"га пуллаш учун кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди. "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деган гап бекор айтилмаган. Оғуфурушларнинг қочгани тиканли сим ортигача. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари вазифаларини аъло даражада бажардилар. Экспертиза халтадаги гиёҳванд модда наша бўлиб, вазни 840 грамм эканини аниқлади. Хуллас, суд мажлиси олдидан ҳукм чиқарди. Равшан Ибрагимовга узил-кесил ўташ шарти билан 12 йил муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Йўлчи САМАДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Мавзелимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ